

Бугунги кунда барчамиз – қайси соҳа ёки тармоқда, қандай лавозимда ишламайлик, Ватан ҳимоячиси бўлишимиз зарур. Бу талабни даврнинг ўзи олдимизга қатъий вазифа қилиб қўймоқда ва халқимиз ҳам биздан айнан шуни кутмоқда.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти,
Қуrolли Кучлар Олий Бош Қўмондон

Ishonch

YURT TARAQQIYOTI YO‘LIDA
BIRLASHAYLIK!

2026-yil,
13-yanvar,
seshanba
№ 7
(5227)

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqib boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri



ХАЛҚ БИЛАН АРМИЯ – БИР ТАНУ БИР ЖОН

«Ishonch» саволи

Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ хўжалиги вазирлигига!

ЎЗБЕК ЧОЙИ

ҚАЧОН ДУНЁ
ЮЗИНИ КўРАДИ?

Чойхўрликда дунёнинг манаман, деган халқларни ҳам ортда қолдирсак керак. Аммо ушбу шифобахш маҳсулот юртимизга асосан хорижий ўлкалардан импорт қилинади. Ўзимизда чой қадоқлаш корхоналари бўла туриб, ушбу ўсимлик плантациялари негадир ташкил этилмаётти.

Қолбуки, 2018 йилда мамлакатимизнинг бир қатор ҳудудларида чой плантациялари ташкил этиш, бу ўсимлик майдонини 283 гектарга етказиш ҳақида маълумот берилганди. Уша даврдаги режаларга мувофиқ, етиштирилган маҳсулот ҳисобидан 2025 йилгача 189 тонна сифатли чой ишлаб чиқарилиши ваъда қилинганди.

2022 йилда эса япон чойларининг навлари Ўзбекистон шароитида синовдан ўтказилиши, кейинчалик тоғ ва тоғолди ҳудудларида майдонлар ташкил этиш кўзда тутилгани ҳақидаги хабарларга кўзимиз тушганди.

Аммо негадир бу ташаббуслар қумга сингган сувдек беиз кетди.

Ҳар бир ўзбек оиласига сеvimли бўлган чойлар қачонгача хориждан харид қилинади? Серкўёш заминимизда бу маҳсулотни етиштиришга шароит йўқми ёки бизда кунт-хафсала етишмай-дими?

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»

Миннатдорлик

Тўрт ойда БИТМАГАН ИШИМ Тўрт кунда БИТДИ

Икки ўғил, икки қизим бор. Турмуш ўртоғим тирикчилик ташвишларидан ортмай қолди. Мен ишсиз эдим. Шу боис ҳар кун тандирда нон ёпиб, бозорга обчиқиб сотиш ҳақида ўйлаб қолдим... Аввалига иккиландим. Сўнг ишим ўнгидан келиб, буюртмачиларим

кўпайди. Аммо етарли сармоям бўлмагани учун фаолиятимни кенгайтира олмадим.

Алқисса, кредит олиш мақсадида «Трастбанк» ХАБнинг Термиз БХОга мурожаат қилдим. Афсуски, бир неча ой ўтса-да, ижобий жавоб бўлмади. Сабабини ҳам тунтиришмади.

Яхши инсонларнинг тавсияси билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг хотин-қизлар муаммолари бўйича ишловчи 1211 рақамли «Ишонч телефони»га мурожаат қилдим ва ҳолатни баён этдим. Не ажабки, шундан сўнг тўрт ойда битмаган ишим тўрт кунда ижобий ҳал

бўлди ва банк томонидан 20 млн. сўм кредит ажратилди.

«Ишонч телефони» жонимга ора кириб, мушкулим ечим топгани учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига миннатдорлик билдираман.

Назира ХўЖАҚУЛОВА
Термиз тумани

Таассурот

«ОҚ КЕМА»ДА ҚИШКИ ТАЪТИЛ

Яқунланган қишки таътил мўйноқлик болажонлар учун жуда мароқли кечди. 2020 йилдан буён Мўйноқ туманида фаолият юритиб келаётган «Оқ кема» болалар соғломлаштириш оромгоҳида бу мавсум ҳам болажонлар учун байрамона муҳит яратилди. Айниқса, турли эртак қаҳрамонлари, чиройли декорациялар ва қиш зийнати бўлмиш оппоқ қор манзараси болаларда катта таассурот уйғотди.

Оромгоҳда ҳар кун турли маданий-маърифий тадбирлар, кўғирчоқ театр томошалари, «Менинг бўш вақтим», «Заковат», «Билимдон болалар» каби мавзуларда интеллектуал ўйинлар ҳамда танловлар ўтказилди. Спорт мусобақалари, тўқувчилик ва тикувчилик бўйича кўргазмалар ҳамда ижодий чиқишларда ўқувчилар фаол қатнашишди. Мазкур тадбирлар болажонлар ўз иқтидор ва қобилиятларини намоён этишларида замин яратди.

Энг муҳими, оромгоҳ жамоаси томонидан болажонлар учун барча шарт-шароитлар аъло даражада ташкил этилди.

Қишки таътилни сўнгги кунларида 107 нафар ўғил-қиз «Оқ кема»да мароқли ва мазмунли дам олиб қайтишди. Улар оромгоҳда кечган завқли дамларни ҳеч қачон унуттишмайди.

Раҳмон МАДРЕЙМОВ,
Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаментининг Қорақалпоғистон бошқармаси бошлиғи



Юз минг отлиқ аскар қила олмаган ишни бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин.

Амир Темур

Мулоқот

КАСАБА УЮШМАЛАРИДА ПЕДАГОГЛАР ОВОЗИ

Пойтахтимизда касаба уюшмаси туман кенгашлари раислари учун семинар-тренинг ташкил этилди. Унда мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг юрисконсулты Жаҳонгир Алижонов ҳамда Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши бош мутахассиси Лазоқат Турикова педагоглар билан самимий суҳбатлашиб, уларни ўйлантираётган саволларга жавоб беришди. Мулоқот давомида эътирозлар, шикоятлар ва ечимини кутаятган масалалар вазирлик вакилига етказилди.



ган ҳақли савол туғилмоқда? Айрим ҳолларда уларнинг ҳар бири олиши керак, дейилса, баъзи мактабларда уларнинг фақатгина биттасига берилмоқда. Аслида қайси бири тўғри? – дейди Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Деҳқонобод тумани кенгаши раиси Ҳамид Хожикулов.

Юрист ушбу саволга, битта мактабда уч нафар ака-ука, опа-сингил каби туғишган қариндошлар ишласа, қонун уларнинг отаси ёки онаси вафот этганда ҳар бирига алоҳида-алоҳида моддий ёрдам беришни белгилаб қўйган, демак, ака-ука, сингил учаласи ҳам олиши мумкин, деб жавоб берди.

мукофот пулини олишолмаганини, бунинг сабаби сифатида улар ўзини-ўзи мукофотлаш ҳақида буйруқ чиқара олишмаганини айтди. Мутахассислар ушбу муаммо бошқа туманларда ҳам кузатилганини тасдиқлар экан, масаланинг қонуний ечимини сўрашди.

– Мукофот пулини белгилаш учун мактабда махсус комиссия тузилади, – деди Жаҳонгир Алижонов. – Унинг раиси директор бўлади. Аммо уни ҳам мукофотлаш масаласи қўриб чиқилаётганда қатнашмайди, муҳокамада иштирок этмайди. Мукофотлаш тўғрисида ишчи гуруҳ ҳулоса чиқаради. Ҳулосага директор буйсунишга мажбурлигини назарда тутсақ, бу ҳолатда ҳам у ишчи гуруҳга қўшилади. Буйруқ чиқаради. Яъни, унда мукофотланадиган ходимлар рўйхати ёзилган ҳужжатда директорнинг ҳам исм-шарифи кўрсатилади ва шу тарихда директор ҳам байрам пули олади.

Тиббий кўрикка ким пул тўлаши керак?

Ушбу масалада ҳам жойларда турлича ёндашув бўлаётгани маълум бўлди. Қаердадир тиббий кўрикка педагоглар ўз ёнларидан маблағ сарфлашган, айрим жойларда эса иш берувчи томонидан ажратилган.

Ж.Алижонов бу Меҳнат кодексига қатъий белгиланганини, ҳодим тиббий кўрикдан ўтиши учун маблағни иш берувчи тўлаб бериши лозимлигини таъкидлади. Агар иш берувчи тиббий кўрик учун маблағ ажратмаса ва бунинг учун ходим ишдан бўшатиб, у ишга тикланиши лозимлигини, иш берувчи эса жаримага тортилишини айтиб ўтди.

Мулоқотда таълим соҳасига жорий этилган қонунчиликдаги янгилıklar ҳам таҳлил қилинди.

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»

Муносабат



Бахтиёр Жўраев,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерациясининг Қашқадарь вилояти
кенгаши раиси

КИМКИ БИРЛАШДИ – ҲАЁТДА ЎЗДИ...

Муҳтарам Президентимизнинг 2025 йил 26 декабрь куни Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномаси эса босиб ўтаётган йўлимиз нақадар тўғри эканини, бизни келажакда янада шонли ва муваффақиятларга бой ислохотлар кутиб турганини тасдиқлади. Ушбу Мурожаатномада бош олий мақсад сифатида Ватанимиз тараққиёти, халқимизнинг фаровон турмуши, инсон қадри каби тушунчалар ўз ифодасини топган. Айниқса, маҳалла тизимини янги босқичга олиб чиқиш каби сазй-ҳаракатлардан халқимиз беҳад миннатдор. Президентимиз таъкидлаганидек, албатта, бугунги мураккаб замонда ёшларимизни турли синовларга чидамли, ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялаш, халқимизни янада бирлаштириш ва жипслаштиришда, ҳеч шубҳасиз, маҳалланинг ўрни ва аҳамияти катта.

Мурожаатномада келтирилган рақамлар салмоғи катта. Бу мамлакатимизнинг ишонч билан одимлаётганини, ҳар бир Ўзбекистон фуқароси эмин-эркин яшаётганини, ислохотлар қўламини дилдан ҳис этиб, келажак сари дадил интилаётганини аңглатади. Хусусан, ҳар бир вилоятда 2-3 тадан туман танлаб олиниб, улардаги маҳаллаларда барча муаммоларни бир вақтнинг ўзида ҳал қиладиган тизим яратилиши ва бу янги тажриба Ургут туманида аллақачон бошлаб юборилгани, туманда 100 минг аҳолига мўлжалланган замонавий экошаҳар барпо этилиши ислохотлар нақадар жадаллик билан бораётганидан далолатдир. Қолаверса, 2026 йили 544 миллион сўм маблағ ажратилиб, 72 та боғча, мактаб, поликлиника, шунингдек, ички йўллар қурилиши ва таъмирланиши, каналлар бетон билан қопланиши, 2 та сел-сув омбори барпо этилишдек улутвор максадлар чиндан ҳам, ҳар бир маҳалла Янги Ўзбекистон тамойилларига мос, гўзал ва обод, барча инфратузилмаларга эга масканга айланишини таъминлайди. 330 та шароити огир маҳаллада бир вақтнинг ўзида тадбиркорлик инфратузилмаси ҳам ривожлантирилади. Ушбу максадлар учун барча манбалар ҳисобидан 8,5 триллион сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилмоқда. Депутатларга ўз округидаги муаммоларни ҳал этиш учун 500 миллион сўм, ҳар бир депутатга 3,3 миллион сўм маблағ ажратилади. «Яшил ҳудуд» яратиш бўйича ҳар бир депутатнинг ташаббусига қўшимча 330 миллион сўм йўналтирилади.

Президентимиз кетма-кет рақамларни келтирар экан, «Бундай ёндашув орқали 2030 йилгача барча туманлардаги маҳаллаларга Янги Ўзбекистон қиёфасини олиб кирамиз», дея ишонч билдирди.

Бу ишларни самарали ташкил қилиш учун туман бюджети даромадларини камида 2 қарра қўпайтиришга шароит яратиш, шу мақсадда, 2026 йил 1 январдан бошлаб, қўшилган қиймат солиғидан тушумнинг Тошкент шаҳрида 5 фоизи, қолган ҳудудларда 20 фоизи қолдирилиб, бу маблағнинг ярми туманлар бюджетига ўтказилишини барча мамнуният билан қабул қилди. Бундан ташқари, даромадларнинг прогноза нисбатан ошириб бажарилган қисмининг 50 фоизи, экин ерларини ижарага бериш ва бозорлардан тушумлар ҳам тўлиқ туман бюджетига берилади.

Бу каби фақат ва фақат инсон манфатлари қўзланган рақамлар, ислохотлар қўлами бисёр. Биргина янги йилда маҳаллалардаги аҳолини, хусусан, хотин-қизларни спортга кенг жалб этиш, бунинг учун зарур инфратузилма яратиш бўйича уч йиллик дастур қабул қилиниб, бунга 1 триллион сўм йўналтирилади. Маҳалла ёшларининг китобхонлиқка бўлган қизиқишини янада ошириш мақсадида мактаб кутубхоналари ҳар йили 10 миллион дона бадий адабиётлар билан таъминлаб борилади.

Ислохотларнинг бош меъмори бўлмиш Президентимиз «Тарих давомида қандай огир синовларга дуч келмайлик биз, аввало, бирдамликдан куч олдик. Машаққатли кунларда одамларимиз, маҳалла аҳли елкадош бўлиб қийинчиликларни енгган. Оила – оилага, қўшни – қўшнига қўмақ бериб яшаган. Биз мана шундай ўта ноёб қадриятимизга доимо содиқ қолишмиз, ёш авлодимизни айни шу руҳда тарбиялашимиз керак», дея алоҳида таъкидлади.

Албатта, бундай жонбахш қақирқлар ҳар биримизни сергак тортиртиши керак. Ҳаммамиз «Бир болага етти маҳалла ота-она» деган қадимий нақлга амал қилиб иш тутсақ, улкан ислохотларни бирдамликда амалга оширсак, бу менинг маҳаллам, менинг шахрим, она Ватаним, деб астойдил интилсак, оламшумул ўзгаришларга муносиб жавоб берган бўламиз. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, кимки бирлашди – ҳаётда ўзди, ғалабага эришди. Кимки бирлашмади – тўзиб, йўқ бўлиб кетди. Бугун миллати, тили ва динидан қатъи назар, бутун элюртни бирлаштирадиган улут бир ғоя бор. У ҳам бўлса, Ватан манфаати, халқимиз манфаатидир.

Ўринбосар директор вазифасини бажарганда, қўшимча ҳақ олмапти, бу тўғрими?

– Ҳамма жойларда мактаб директорлари менежерликка ўқитилган. Имтиҳондан ўтолмаганларга директорлик қилишга рухсат берилмапти. Бизнинг тумандаги 18 та мактабнинг 8

Ота-она вафот этганда моддий ёрдам кимга берилади?

– Туманимизда ака-ука, сингил ёки опа-сингил, ука битта таълим даргоҳида ишлаши мумкин. Шундай ҳолатлар бўладики, уларнинг яқинлари, масалан, отаси ёки онаси вафот этганда моддий ёрдам кимга берилиши керак, де-



2025 йилнинг 28 декабрида бошланган Эрондаги норозилик намойишлари тарихи бир қарашда 2019 ва 2022 йилларда кузатилган олдинги норозилик тўлқинларини эслатиб юборади. Ушанда бундай чиқишлар ёқилги нархлари ошиши ёки 22 ёшли курд қизи Маҳса Аминийнинг ҳалок бўлиши билан бошланган эди. Бироқ ҳозирги инқирознинг моҳияти буткул ўзгача. Уни қўзғатган асосий омил – иқтисодий бўҳрон, мазмун эса мафкураравий инқироздир. Эрон пул бирлиги – риёлнинг курси қора бозорда бир доллар учун 1,4-1,45 миллионгача қулади. Расмий маълумотларга кўра, инфляция 42 фоиздан ошган, мустақил экспортлар эса уни 60-70 фоиз атрофида дея баҳоламоқда. Озиқ-овқат ва дори-дармон нархлари назоратдан чиққан. Ўрта табақанинг емирилиши, сув ва энергия танқислиги ҳам аҳоли турмуш даражасини ёмонлаштиргани рост. Лекин, энг ёмони, жамиятда ҳукм сурган ижтимоий шартнома шартлари бажарилмаяпти.

Эронда ҳамиша ҳокимият билан жамият ўртасида норасмий келишув амал қилган. Яъни сиёсий ёпиқлик ва қатъий мафкура нисбатан ижтимоий барқарорлик, субсидиялар ҳамда ташқи сиёсий тўқнашувлар орқали қўллаб-қувватланган миллий ғурур туйғуси билан қопланган. Бугун ана шу икки устун ҳам энг заиф нуқта, дея баҳоламоқда. Иқтисодий вазият халққа ҳимояланганлик ҳиссини бермаяпти. Суриядан тортиб Исроил билан тўқнашувгача бўлган сиёсий қадамлар на ғалаба, на ҳурмат ва на ҳарбий қуд-

ратга ишонч тақдим эта олди.

Хуқуқни муҳофаза қилиш тузилмалари маълумотларига кўра, бугунга келиб, намойишларда ҳалок бўлганлар 35-40 нафарни, ҳибсга олинганлар эса 2000 нафардан ортқикни ташкил этган. Норозиликлар нафақат Теҳрон, Исфохон, Шероз, Машҳад каби йирик шаҳарларни, балки давлат назорати кучсизроқ, радикаллашув эса тезроқ кечадиган кичик шаҳар ва вилоятларни ҳам қамраб олган.

АҚШда жойлашган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи HRANA ташкилоти маълумотларига кўра, қурбонлар сони камида 538 нафарни ташкил этган. Улар орасида 48 нафар хуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходими ҳам бор. Инсон ҳуқуқлари ҳимоячиларининг таъкидлашича, акциялар иштирокчиларидан тахминан 10,6 минг нафари ҳибсга олинган. Эрон расмийлари бу борада ҳеч қандай маълумот тақдим этмаган.

Аммо шуни ҳам унутмаслик керакки, ҳар қандай зиддиятли вазиятда қарама-қарши томонлар ахборот журужларини ишга солади. Ва бундай вазиятда ҳар қандай маълумотга ҳам қўр-қўрона ишонавермаслик керак.

CNNнинг хабарига кўра, АҚШ президенти Дональд Трамп сешанба кунин Эронга нисбатан кейинги қадамларни муҳокама қилиш мақсадида Миллий хавфсизлик кенгаши аъзолари билан йиғилиш ўтказди.

Трамп Эронда оммавий норозилик намойишлари иштирокчиларига нисбатан куч ишлатилган муносабати билан мамлакатга қарши қатъор эҳтимолий ҳарбий вариантларни қўриб қаммоқда. Америкалик амалдорларнинг маълум қилишича, муҳокама этилаётган чоралар орасида норозиликларни босиришда фаоллик кўрсатаётган хавфсизлик хизматларига зарбалар бериш; режимга тегишли ҳарбий объектлар ва иншоотларга қарши кибероперациялар ўтказиш; ҳоки-

мият вакиллари ёки Эрон иқтисодиётининг айрим тармоқларига, хусусан, энергетика ёки банк секторига нисбатан санкциялар жорий этиш; шунингдек, намойишчиларга интернетга кириш имконини берадиган Starlink каби технологияларни тақдим этиш масаласи бор. Бироқ Трамп томонидан қўриб чиқилаётган вариантлар орасида Эрон ҳудудига қўшин киритиш масаласи назарда тутилмапти.

Эроннинг 1979 йили ағдариб ташланган сўнги шоҳи Муҳаммад Ризо Паҳлавий ўғли Ризо Паҳлавийнинг 8 январдаги даъватларидан сўнг мамлакатда норозилик намойишлари янада фоллашди. Худди шу кунин мамлакат интернетдан узиб қўйилди ва ҳануз ишламапти. Эроннинг қатор шаҳарларида норозилик акциялари полиция билан тўқнашувларга айланди ва тузумга қарши шиорлар янтрамоқда.

Эрон президенти Масъуд Пизизиқийён яқшанба кунин халққа мурожаатида норозиларга иқтисодий ислохотларни давом эттириш ва мавжуд муаммоларни ҳал этишга ваъда берар экан, тартибсизликларда АҚШ ва Исроилни айблади. Шунингдек, радикал кучлар оддий фуқаролар талабларидан ўз максадлари йўлида фойдаланмаслиги учун одамларни қўчаларга чиқишга қақирди.

Бу орада Ризо Паҳлавий АҚШ президентига Эрон масаласида ҳамкорлик қилиш таклифи билан чиқди.

Ана шу воқеалар силсиласида бир жиҳат эътиборга молик. Ҳозирги намойишларда бозор аҳли, яъни майда савдогарлар муҳим ўрин тутяпти. Улар тарихан Ислам Республикасининг асосий таянчларидан бири ҳисобланган. Улар 1979 йили уламоларнинг ҳокимиятга келишида ҳам муҳим роль ўйнаган эди. Бугун эса айнан ўша савдогарлар дўконларини ёпиб, қўчаларга чиқишмоқда. Улар инқилобга ташна ёшлар ҳам, либерал зиёли-



Шарҳ

ЭРОН – ХАВОТИРЛАР ЧАНГАЛИДА

Кимки ул элга хизмат этар, давлат улуг,
Кимки халққа ғамхўр бўлур, муҳаббат улуг.
Алишер Навоий

Сухбат

ИСТИҚБОЛ ЙЎЛИ УЧУН ЯНГИ ЧИЗГИЛАР

«Ўзбекистон – 2030» стратегияси нега такомиллаштирилмоқда?

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2025 йил 26 декабрь куни Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида ўтган даврда мамлакатимизда эришилган улкан натижалар, истиқбол учун белгиланаётган янги устувор вазифалар «Ўзбекистон – 2030» стратегиясини қайта қўриб чиқишни тақозо этаётганини, юртимизнинг келгуси беш йиллик тараққиётига дахлдор бўлган ушбу ҳужжат кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилиб, аҳолининг фикр-мулоҳазалари асосида такомиллаштирилиши зарурлигини таъкидлаган эди. Шундан келиб чиқиб, «Ўзбекистон – 2030» стратегиясининг такомиллаштирилган лойиҳасининг жамоатчилик муҳокамаси эълон қилинди.

«Тараққиёт стратегияси» маркази ижрочи директори Элдор ТУЛЯКОВ билан суҳбатимиз амалдаги Стратегияда белгиланган вазифалар кўлами, ўтган давр мобайнида бажарилган ишлар, эришилган натижалар, шунингдек, уни такомиллаштириш зарурати ва кўзда тутилаётган масалалар хусусида бўлди.



– Элдор Собиржонович, 2023 йил 11 сентябрь куни Президент фармони билан «Ўзбекистон – 2030» стратегияси қабул қилинган эди. Мана, икки йилдирки, ушбу ҳужжатда белгиланган вазифалар тўла-тўқис бажарилиб келинмоқда. Қайд этиш керакки, бу ҳужжат жуда кенг қамровли бўлиб, ижтимоий турмушнинг барча жабҳаларини ўз ичига олган. Айтинг-чи, нима сабабдан ушбу ҳужжат янги тахрирда қабул қилиниб, ҳаётга жорий этилиши зарур?

– «Ўзбекистон – 2030» стратегияси мамлакат тараққиётида сифат жиҳатдан янги босқични бошлаб берган муҳим стратегик ҳужжат ҳисобланади. Унда янги тахрирдаги Конституцияга мувофиқ равишда инсон қадрини юксалтириш, барқарор иқтисодий ўсishни таъминлаш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш ва халқ хизматиغا йўналтирилган давлатни барпо этиш асосий устувор мақсадлар сифатида белгиланди.

Бироқ бугунги кунда жаҳонда юз бераётган глобал ўзгаришлар, халқаро бозорлардаги тебранишлар, sanoat ва технологияларнинг тезкин ривожланиши, энергия бозорларидаги трансформация, глобал таъминот занжирларининг қайта шаклланиши мамлакатимизда ҳам янги ёндашувларни талаб этмоқда.

Биргина мисол, юртимизда аҳоли сони тез суръатларда ўсиши, хусусан, 2023 йилда доимий аҳоли сони 36,7 миллионни ташкил қилган бўлса, 2030 йилга бориб, 41 миллионгача ошиши прогноз қилинган, урбанизация жараёнлари, бандлик ва даромадлар масалалари янги стратегик ёндашувларни тақозо этмоқда. Билим ва инновацияларга таянладиган бугунги глобал рақобатда «рақамли иқтисодиёт», сунъий интеллект, кибербезопаслик, маълумотлар бошқаруви каби соҳаларни ривожлантириш асосий масалага айланди.

Шунингдек, «Мақсад – ҳаракат – натижа» занжирига асосланган мутлақо янги стратегик режалаштириш ва ривожланиш тизими жорий этилгани «Ўзбекистон – 2030» стратегиясини янги талаблар асосида такомиллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Стратегияни амалга оширишнинг дастлабки босқичида тўпланган амалий тажриба шуни кўрсатдики, айрим мақсад ва вазифаларни янада аниқлаштириш, уларни йиллар кесимида режалаштириш, молиялаштириш манба-

лари ҳамда ижро учун масъулиятни очик белгилаш зарурати мавжуд. Жамоатчилик муҳокамалари, ҳудудлардан келиб тушган таклифлар ва ижро жараёнида аниқланган омиллар стратегияни такомиллаштиришга бўлган эҳтиёжни янада кучайтирди.

Такомиллаштирилаётган «Ўзбекистон – 2030» стратегиясининг асосий мақсади «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» деган гоани амалий мазмун билан бойитган ҳолда, мамлакатнинг ўрта муддатга мўлжалланган ривожланиш йўлини янада самарали, салмоқли натижаларга йўналтирилган ва ҳисобдор тизим асосида давом эттиришидир. Шу нуқтаи назардан, амалдаги стратегия доирасида эришилган натижалар чуқур таҳлил қилиниб, мавжуд муаммолар ҳисобга олинмоқда ҳамда аниқ ўлчаш ва баҳолаш имконини таъминлаш учун самарадорлик кўрсаткичлари қайта қўриб чиқилмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат – стратегия фуқаролар учун тушунарли бўлишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳар бир инсон ундан ўз ҳаёти, оиласи ва фарзандлари келажаги учун қандай амалий фойда борилигини кўра олсин. Яъни стратегия умумий шиорлар эмас, балки кундалик ҳаётда сезиладиган аниқ ўзгаришлар манбаи бўлиши лозим.

Стратегияда белгиланган ўрта муддатли мақсадларнинг самарадорлик кўрсаткичлари янги иқтисодий, ижтимоий ва технологик қақариқларга мос равишда янгиланмоқда. Шунингдек, ижрони мониторинг қилиш тизимини тўлиқ рақамлаштириш орқали шаффофиликни таъминлаш, қарор қабул қилишда аниқ маълумотларга таяниш ва жамоатчилик назоратини кучайтириш кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, соҳа, тармоқ ва ҳудудларни ривожлантириш бўйича қабул қилинаётган барча стратегик ҳужжатларни «Ўзбекистон – 2030» стратегияси билан уйғунлаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу давлат сиёсатининг ахлитлиги ва натижавийлигини таъминлайди.

Энг муҳим принципал жиҳатлардан бири – стратегиянинг халқ билан маслаҳатлашув асосида такомиллаштирилишидир. Лойиҳа жамоатчилик муҳокамасига қўйилиб, аҳоли, экспертлар ва фуқаролик жамияти институтларининг таклифлари инобатга олинади. Чунки фақат жамоатчилик фикрини ўзида эка эътирган ҳужжатгина ҳаётий ва самарали бўлиши мумкин.

– «Ўзбекистон – 2030» стратегиясида мамлакатни даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторига киритиш учун қандай чоралар қўрилмоқда? Янгиланаётган стратегияда «яшил иқтисодиёт»ни ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар келгусида экология ва атроф-муҳит ҳолатига қандай таъсир кўрсатади?

– Сўнгги йилларда Ўзбекистонда амалга оширилган тизимли ислохотлар мамлакат иқтисодиётини барқарор ўсиш траекториясига олиб чиқди. Тарихимизда биринчи марта ялпи ички маҳсулот ҳажми 145 миллиард долларга, хорижий инвестициялар 43,1 миллиард долларга, экспорт ҳажми 33,4 миллиард долларга, олтин-валюта захиралари 60 миллиард долларга етди. Ишсизлик 4,9 фоизгача, камбағаллик даражаси эса 5,8 фоизгача қискарди. Бу кўрсаткичлар мамлакат иқтисодий сиёсатининг изчиллиги ва ислохотларнинг самарадорлигини яқол намоен этмоқда. Бироқ жаҳонда кечаётган глобал ўзгаришлар, халқаро бозорлардаги беқарорлик, геоиқтисодий хатарлар ва технологик инқилоб Ўзбекистондан янги ёндашувларни талаб этмоқда.

Янгиланган стратегияда ялпи ички маҳсулот ҳажмини 240 миллиард долларга (160 миллиард доллар), аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадини 5 800 долларга (4000 доллар) етказиш, инфляцияни 5-6 фоиз даражасида ушлаб туриш ва давлат қарзини ЯИМга нисбатан 50 фоиздан оширмаслик аниқ мажбурият сифатида белгилаб қўйилган.

Дунёда глобал иқлим ўзгариши ва ҳаво ифлосланиши тобора кучайиб бораётганини инобатга олган ҳолда, «Ўзбекистон – 2030» стратегиясининг янгиланган таҳлилида «яшил иқтисодиёт»ни ривожлантириш устувор вазифа сифатида белгиланган. Жумладан, қайта тикланувчи энергия манбаларининг умумий қувватини 25 минг МВтга етказиш, уларнинг электр энергияси генерациясидаги улушини 40 фоиздан 54 фоизгача ошириш кўзда тутилган бўлиб, бу энергия ишлаб чиқаришда зарарли чикиндиларни камайтириш ва ҳаво ифлосланишини қисқартиришга хизмат қилади. Шунингдек, иссиқхона газлари интенсивлигини 2010 йил даражасига нисбатан 35 фоизга (30 фоиз) қисқартириш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, транспорт соҳасида экологик тоза ва инновацион технологияларни жорий этиш доирасида енгил автомобиллар

сегментида электромобиллар улушини 10 фоизгача ошириш режалаштирилган. Ушбу чора-тадбирлар орқали шаҳар муҳитида ҳаво сифатини яхшилаш, ёқилғи истеъмолини камайтириш ҳамда мамлакатнинг экологик барқарор ривожланишини таъминлаш мақсад қилинган. Унга эришиш натижасида иқтисодиётда янги иш ўринлари яратилиши жадаллашиб, ишсизлик даражаси пасаяди, аҳолининг меҳнат бозоридаги фаоллиги ва ижтимоий барқарорлик мустаҳкамланади.

– Такомиллаштирилаётган «Ўзбекистон – 2030» стратегиясида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш йўналишида қандай янги ёндашувлар назарда тутилган ҳамда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, оқова сувларни тозалаш, қўчат экиш, ерларни муҳофаза қилиш ва сувдан оқилона фойдаланиш бўйича белгиланган кўрсаткичлар амалдаги стратегиясидан қай жиҳатлари билан фарқ қилади?

– Экология ва атроф-муҳит соҳасида ҳам сезиларли фарқлар мавжуд. Шу боис, экологик масалаларга аҳоли саломатлиги, иқтисодий ўсиш ва ижтимоий фаровонлик билан узвий боғланган ҳолда қаралмоқда. Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши билан боғлиқ касалликларни камайтириш, экологик хавфларни пасайтириш ва соғлиқни сақлаш ҳамда экология соҳалари ўртасида интеграцияни кучайтириш янги ёндашув сифатида намоен бўлади.

Масалан, атроф-муҳитга оқова сув чиқарувчи қўжалик юритувчи ташкилотларда локал оқова тозалаш иншоотлари қурилиши ва реконструкция қилиниши амалдаги Стратегияда 249 та корхонада белгиланган бўлса, янгиланаётганида 425 тани ташкил этади. Шунингдек, атроф-муҳитга таъсирни юқори корхоналар зиммасига қўчатлар экиб, «яшил белбоғ»лар барпо этиш вазифаси юклатилган. Жорий ҳужжатда 30 миллион, тахир қилинаётганида эса 50 миллион туپ қўчат экиш белгиланган. Ҳудудларда ерларни эрозиядан ва мелиорация объектларини қум қўчишдан сақлаш учун ихота дарахтзорлар майдонини амалдаги 26 200 гектардан 30 055 гектарга етказиш кўзда тутилган.

Шу билан бирга, республикада сувдан оқилона фойдаланиш долзарб масалага айланмоқда. Қишлоқ хўжалиги эканларини томчиллаб суғориш технологиясини 2030 йилга қадар 600 минг гектаргача етказиш белгиланган бўлса, эндиликда ҳар йили 500 минг гектарга етказиш вазифаси қўйилган.

– Янгиланаётган ҳужжатда давлат бошқаруви тизимини аҳоли манфаатларига хизмат қиладиган, очик ва рақамлашган тизимга айлантириш мақсадида давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида қандай ислохотлар назарда тутилган ҳамда композит ва проактив хизматлар ҳамда тартиб-таомилларни соддалаштириш бўйича белгиланган янги кўрсаткичлар амалдаги стратегиядан қай жиҳатлари билан фарқ қилади?

– Мазкур лойиҳада давлат бошқаруви тизимини аҳоли эҳтиёжларига мос, шаффоф, рақамлашган ва самарали механизмга айлантириш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Бу борада, энг аввало, давлат хизматларини

кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, давлат хизматларини кўрсатишда жисмоний ва юридик шахсларнинг битта мурожаати асосида ваколатли органлар томонидан кўрсатиладиган икки ва ундан ортик давлат хизматлари мажмуаси ҳисобланган композит давлат хизмати ёки жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларисиз ваколатли органлар ташаббуси билан кўрсатиладиган давлат хизматларини ташкил қиладиган проактив давлат хизматлари кўламини кенгайтириш режалаштирилган.

Бугунги кунда 90 дан ортик хизматни проактив ва композит шаклда кўрсатиш йўлга қўйилган. Амалдаги стратегияда бундай хизматлар сонини 40 тага ошириш белгиланган бўлса, янгиланаётган стратегия лойиҳасида 400 тагача етказилиши назарда тутилмоқда. Натижада фуқароларнинг давлат органларига қайта-қайта мурожаат қилишига бўлган эҳтиёж камаяди, хизматларни автоматик тарзда, инсон омилсиз олиш имкониятлари кенгайди ҳамда вақт ва харажатлар тежаллади.

Қолаверса, давлат хизматлари кўрсатиш жараёнидаги ортиқча бюрократик тартиб-таомилларни қисқартириш масаласига ҳам устувор аҳамият берилган. Амалдаги тахрирда 300 тага яқин тартиб-таомилларни соддалаштириш кўзда тутилган, янги тахрирда ушбу кўрсаткич 500 тага яқин тартиб-таомилни қамраб олиши белгиланган. Бу эса давлат хизматларининг сифати ва тезкорлигини оширишга, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари учун янада қулай шaroит яратишга хизмат қилади.

Мазкур ислохотлар давлат бошқарувини «фуқаро учун давлат» тамойили асосида қайта ташкил этиш, давлат хизматларини аҳолига яқинлаштириш ҳамда рақамли давлат моделини шакллантиришга мўлжалланган муҳим қадам сифатида намоен бўлади.

Умуман олганда, янгиланаётган «Ўзбекистон – 2030» стратегияси мамлакатни барқарор, рақобатбардош ва инсон манфаатларига йўналтирилган давлат сифатида ривожлантиришга қаратилган изчил ислохотлар давомийлигини таъминлашни кўзда туттади. Унда глобал ўзгаришлар, демографик ўсиш, технологик тараққиёт ва жамият эҳтиёжлари чуқур таҳлил қилиниб, ҳар бир йўналиш бўйича аниқ мақсадлар, ўлчаб бўладиган индикаторлар ва амалий механизмлар белгилаб олинмоқда. Энг муҳим жиҳати, стратегияни такомиллаштириш жараёни халқ билан очик мулоқот, жамоатчилик муҳокамаси ва фуқаролик жамияти иштирокида амалга оширилаётгани билан аҳамиятлидир. Бу эса ҳужжатнинг ҳаётйиллиги, самарадорлиги ва ҳар бир фуқаро ҳаётида сезиларли натижа беришда муҳим аҳамият касб этади.

Айни пайтда ушбу лойиҳа жамоатчилик муҳокамаси учун uzbekistan2030.uz онлайн платформасига жойлаштирилган. Қаморларимиз лойиҳа билан танишиб, «Fikr goldirish» тугмаси орқали ўз таклифларини йўллашлари мумкин. Зеро, барча юртдошларимиз муҳокамаларда фаол иштирок этишса, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришса, мазкур ҳужжатнинг янада халқчил бўлишига ҳисса қўшган бўлишарди.

– Мазмуни суҳбатингиз учун ташаккур!

«Ishonch» мухбири
Анвар ҚЎЛМУРADOV
суҳбатлашди

лар ҳам эмас, балки адолатга ишончи қолмаган анъанавий жамият ўзагидир.

Келинг, Эрондаги инқирозга араб файласуфи Ибн Халдун фикрлари асосида назар ташлаб кўрайлик. Асабия – Ибн Халдун таълимотидаги асосий тушунчалардан бири бўлиб, у ижтимоий бирдамлик, гуруҳий онг ва умумийлик ҳиссини англатади. Бу бирдамлик қон-қариндошлик алоқалари, дўстона муносабатлар ёки узок муддатли ҳамкорлик ва бирга яшаш тажрибаси негизда шаклланади. Асабия давлатлар ва тамаддунлар вужудга келиши ҳамда уларнинг сақланиб қолишида ҳал қилувчи куч сифатида намоен бўлади. У емириლა бошласа, давлат маълум муддат ўз инерциясига кўра ҳаракатда давом этади, аммо унинг парчаланиши вақт масаласига айланади. Бугунги Эрон айнан ана шу – аста-секин емирилиш босқичида турибди.

Ташқи омил эса мамлакат ичкарисидаги жараёнларни янада кучайтирапти, холос. Дональд Трамп амалда инсонпарварлик баҳонасида куч ишлатиш борасидаги норасмий таққинчи бекор қилди. Унинг «Агар Эрон ҳокимияти намойишчиларни ўлдирга бошласа, АҚШ жуда кучли зарба беради», деган баёнотлари, бир томондан, норозилик ҳаракатларига маънавий ишонч ва ташқи қўллаб-қувватлов ҳиссини берса, иккинчи томондан, тузумни фалаж аҳволга солиши мумкин: қатъийлик ташқи зарбани кучайтирса, юмшоқлик қўчаларни назорат қилиб турган кўркувни емириб ташлайди.

Бу ерда Венесуэла мисоли ҳарбий куч-қудрат намойишидан кўра кўпроқ руҳий аҳамият касб этади. Мадуронинг кўлга олиниши бутун дунё элиталарига суверен етакчилар дахлсизлиги даври яқунланаётгир, деган мужда йўллади. Буни АҚШнинг Америка қитъасидаги гегемонлигини таъминлаш ва Европа таъсирини чеклашга қаратилган сиёсий декларация бўлиб, вақт ўтиши билан АҚШнинг минтақада ўз империявий ғоясини рўёбга чиқариш воситасига айланган Монро доктринаси ҳам, XIX асрга қайтиш ҳам деб бўлмайди. У агар тузум ички барқарорлиқни йўқотса ва глобал тар-

тиб учун «заҳарли унсур»га айланса, у легитим нишон сифатида қабул қилиниши мумкин, деган янги мантиқ махсуслидир.

Эрон Венесуэладан фарқли ўлароқ, чеккада қолиб кетмаган. У Яқин Шарқ, энергетика, диний сиёсат ва тамаддуний қарама-қаршилиқлар туташ ҳулуд саналади. Шу боис бу ерда тўғридан-тўғри ҳарбий аралашув анча хавфли. Исроил буни жуда яхши англайди. Шунинг учун унинг стратегияси тўғридан-тўғри зарбалардан кўра, қўрқувручили ҳаракатлари, жосуслик фаолияти ва руҳий босим каби нозикроқ ўйин томон силжимоқда.

Қолаверса, Эрон 90 миллиондан ошиқ аҳолиси бор, мураккаб этник тузилмага эга ва стратегик ҳудудда жойлашган кўпмиллатли давлатдир. Бу ерда ҳар қандай инқироз муқаррар равишда этник масалани кўзгайди. Аҳолининг ярмидан кўпрогини ташкил этувчи форслардан ташқари, мамлакатда 20-25 миллион афроғида озарилар, шунингдек, курдлар, Ҳузистон араблари, белужлар, лурлар ва туркманлар яшайди. Ҳозирча норозилиқлар асосан ижтимоий-иқтисодий тусга эга, аммо уларнинг чегара ҳудудларига ҳам тарқалиши инқирозни ҳудудий ахлитликка таҳдид даражасига олиб чиқиши мумкин. Эроннинг Туркиядан тортиб Озарбайжон каби барча қўшнилари мазкур сценарийдан хавотирда.

Ушбу вазиятда Туркиянинг тутуми, айниқса, яққол кўзга ташланади. Анқара – мафкуравий уруш мантиги билан фикрламайдиган кам сонли минтақавий ўйинчилардан бири. Туркия ташқи ишлар вазири Ҳоқон Фидан ўз баёнотларида Эрондаги беқарорлик бутун минтақада – Кавказдан тортиб Шарқий Урта Ер денгизи ҳудудигача домино эффектини келтириб чиқаришини таъкидламоқда. Туркия на Эроннинг парчаланишидан, на уни бошқаларининг уруш майдонига айланишидан манфаатдор.

Туркия ёндашуви ниҳоятда прагматик: Эроннинг ҳудудий ахлитлигини сақлаш, этник парчаланишининг олдини олиш, ташқи кучлар томонидан сценарийлар

мажбуран тиқиштирилишига қарши туриш. Анқара қўшниларидаги бошбошдоқлик муқаррар равишда қочқинлар оқими, радикал гуруҳлар фаолашуви ва курдлар масаласининг кескинлашуви шаклида чегаралар орқали кириб келишини яхши тушунади. Зеро, Суриядаги фуқаролар уруши сабаб Туркияга 3,5 миллионга яқин қочқин кириб келган ва бунинг жабрини ҳам татиб кўрган эди.

Аммо Эрон аҳолиси Сурия аҳолисидан салкам тўрт баравар кўп. Агар Эронда ички уруш аланга олса, қочқинлар оқими шундоқ ҳам иқтисодий қийинчиликларни бошидан кечираётган Туркияга ортиқча бошогриги бўлиши шубҳасиз. Шу боис Туркия ҳозирги Эрон тузуми кўплаб саволлар уйғотса ҳам, инқилобдан кўра бошқариладиган эволюцияни қўллаб-қувватлайди.

Россия эса имкониятлари чекланган стратегик кузатувчи мавқеида қолиши муқаррар. Расман Москва билан Тухрон ўртасида стратегик шериклик тўғрисида шартнома бор. Аммо у автоматик равишда ҳарбий ёрдамни назарда тутмайди. Россиянинг йўли дипломатик баёнотлар, зарурат туғилганда, иқтисодий қўллаб-қувватлаш ҳамда агрессор ким бўлишидан қатъи назар, уни қўллаб-қувватламаслик тамойилига таянади, холос. Россия Украина билан узок вақт давом этаётган можарога ўралашиб қолган бир пайтда, ундан Эрон инқирозига фаол аралашувни кутиш ўринсиз.

Эронда рўй бераётган воқеалар фалсафий маънода немис файласуфи, тарих ҳамда маданият фалсафаси асосчиларидан бири – Освальд Шпенглернинг тамаддунлар таназзули ҳақидаги мулоҳазаларига ҳайратланарли даражада мос келади. Гап Эроннинг давлат сифатида йўқ бўлиб кетиши эмас, балки муайян тарихий шаклнинг – мафкуравий, илоҳий нажот лойиҳасига таянган моделнинг яқунланиши ҳақида кетмоқда. Ислом Республикаси XX аср махсули, йирик мафкуралар ва икки қутбли қарама-қаршилиқлар даври яративдир. Бутун эса дунё тарихи ва файласуф Арнольд Тойнби «тарихий синов ва жавоб» даври деб атаган

босқичга қирипти. Бироқ эски жавоблар бугун иш бермаяпти, янги жавоблар эса таклиф этилмапти.

Самуэл Хантингтон тамаддунлар тўқнашуви ҳақида ёзган. Аммо, эҳтимол, биз айни пайтда тўқнашув ўрнига тамаддунларнинг ўзи ўзидан чарчаган бир ҳолатни кузатаётгандирмиз. Бугунга келиб, Эрон жамияти ташқи душман образидан илҳом олмаётгандек. Ўн йиллар давомида тузумни жипс-лаштириб келган аксиламерика ғоялари сафарбарлик қудратини йўқотгандек. Одамлар келажак бўлмаса, курбонлиқлардан мақсад нима, адолат бермаса, мафкура кимга керак, деган анча жўн, аммо жуда хавфли саволларни бераётгир.

Шу билан бирга, Эрондаги тузумнинг бир зумда қулаши эҳтимоли жуда паст. Чунки Ислом инқилоби қўриқчилари корпуси ҳамда унинг таркибига кирувчи бешта шартли қуддан бири – Басиж (Созмон-е Басиж-е мустаъзафин – мазлумларни сафарбар этиш ташкилоти) ҳануз катта имкониятлар ва юқори мотивацияга эга.

Эроннинг келажаги, эҳтимол, инқилобий портлаш йўлидан эмас, балки қўзилган трансформация траекторияси бўйлаб шаклланади. Косметик ислохотлар, кадрлар алмашинуви, назоратни қисман юмшатиш каби қадамлар рўй бериши ҳам мумкин. Табиийки, буларнинг барчаси вақтдан ютишга қаратилган бўлади. Аммо асосий масалалар – мафкура, ташқи сиёсат, ресурсларни тақсимлаш каби саволларга ечим топилайди. Демак, инқироз бартараф этилмайди, фақат навбатдаги босқичга ўтади, холос.

Хуллас, бугун Эрон кулапти, деяётганлар адашади. У – кўркув билан яшаб бўлмайдиган паллага кирган давлат. Энг хавфлиси ҳам, энг хал қилувчиси ҳам шу. Чунки бундай пайтда тузум ё жамият билан тил топишишга, халқнинг хоҳиш-истакларини инобатга олишга мажбур бўлади ёки тарих саҳнасидан аста-секин чиқиб кетади.

Жаҳонгир НАҲАДОВ
«ISHONCH»

4

Кўрдимки, умр ва дунёдан кўра тез шошилиб, йўқ бўлиб кетадиганроқ, ўлим ва охиратдан кўра яқинроқ, орзудан кўра узоқроқ, хотиржамликдан кўра гўзалроқ нарса йўқ экан.

Нажмиддин Кубро

Миллий қадриятларимиз

ХАЛФАЛИК КАСБМИ ЁКИ САНЪАТ?



Хоразмликлар азал-азалдан санъатсевар халқ. Хоразмда яна бир санъат тури ҳам борки, у халфалик деб юритилади. Халфалик азалдан тўй ва маросимларда бошқарувчи, бошловчи, термалар, дoston, рақс ва лирик қўшиқлар ижроси орқали байрам руҳини юксалтирувчи санъат тури бўлиб келган.

Хоразмда аввалдан саводхон, гапга чечан, хонандалик қобилиятига эга бўлган зукко аёлларни «халфа» деб юртишган. Халфа қўшиқлари халқ руҳини, орзу-армонлари ва миллий қадриятларини ўзида ёрқин акс эттириб, аёллар томонидан ижро этилган.

Эътиборли томони, халфалар ижоди меҳнаткаш халқнинг озодлик, бахт ва ижтимоий ҳаётдаги кураши ва интилишларида мададкор бўлган. Улар томонидан хотин-қизларнинг ҳаёти, манфаатлари қуйланган, ғоялар жонли гавдалантирилган ҳолда содда, равон тилда қуйга солиниб, тараннум этилган.

Тарихий манбалардан маълумки, мусиқа санъати доимий ривожланишда бўлиб, марказий шаҳарларда муҳим аҳамият касб этган. Шунингдек, фан, адабиёт, санъат ва маданият тараққиёти ҳар томонлама эътибор ва диққат марказида бўлган. Шу боис Тошкент, Фарғона, Бухоро, Хоразм вилоятларида аввалдан ижрочилик мактаблари вужудга келган.

Хоразмда халфалик санъати XIX асрларда шаклланган бўлиб, аёллардан иборат халфалар гуруҳи арфа, қайроқтош, қоқма асбоблардан фойдаланган ҳолда, тўй-маросимлар, байрам ва тадбирлар қизгин ўтишини таъминлаган.

Халфалар тўй-маросимларнинг бошдан охиригача ижодий ёндашиб, лапар ва айтимлар, дoston ва лирик қўшиқлар айтиб, ўша оҳангларга мос рақсларга тушган-

«Фаросат» деган фан йўқ ва ундан дарс ўтилмайди. Фаросат бозорда ҳам сотилмайди. Сотилган тақдирда ҳам бефаросатлар, барибир, уни сотиб олишмасди.

Орамизда фаросатсиз одамлардан азият чекканлар талайгина.

«Тошкентнинг Мирзо Улуғбек туманида яшаймиз. Икки хонали уйга келин бўлиб тушганман. Қайнуқамизни уйлантиргач, хонамизни ёш келин-куёвга бўшатиб бердик. Мен ўғлим ва қайнонам билан битта хонада, қайнотам билан эрим эса балконда тунайдиган бўлишди. Орадан 5 йил ўтди. Эрим асабий бў-

либ қолган. Ижарага уй олиб, чиқиб кетишга қайнонам ва қайнотам рози бўлишмаяпти. Аммо бизнинг аҳволимизни тушунишмайди... Қачон бизга ҳам уй битаркан-а?» дейди тошкентлик Сабура.

«Тошкентда ижарада тура-миз. Бир хонали уйда турмуш ўртоғим, болам ва мен яшай-миз. Турмуш ўртоғим отасига ҳар ойда олган маошидан юбoриб туради. 55 ёшга кирган қайнотам ҳеч қаерда ишламайди. Пул зарур бўлиб қолса, дарҳол Самарқанддан етиб келади. Кечкурун ноиложликдан қайно-

там билан битта хонада ухлай-миз. Ўртага тўсиқ бўлсин деб бешикни қўйиб қўямиз. Баъзан қайнотам ҳафталаб қолиб кетади. Пулни олса-да, уйга кетиш ҳаёлига ҳам келмайди. Ўғлига «Шаҳарда яшаш мазза-да, болам» деб ҳам қўяди. Қайнотамнинг бефаросатлигидан дoд дегим келади. Эримга айтсам, сабр қил, дейди. Қачонгача шу алфозда яшаймиз?» дейди Вазира.

«Узоқ йиллик кўч-кўчлардан сўнг ва ниҳоят, бир хонали уй олди. «Уй кўрди»га бутун қавм-қариндошлар кўчиб келди, десам,

лоф бўлмайди. Ўзи балкони йўқ уйда эрим ва уч нафар болам билан тикилиб яшардик. Камига меҳмонжонлар тезроқ кетай дейишмайди.

Баъзан меҳмонга келган қариндошларнинг қўпчилигидан кечкурун ётишга жой тополмай, боламни бешиги билан қўтариб, қўшниларникига чиқиб кетаман. Яхшиямки, қўшниларим оқибатли», дейди Ибодат.

Ҳа, фаҳм-фаросат бўлмаса ҳам қийин...

Хонбиби ҲИММАТ қизи, журналист

Марям АҲМЕДОВА, журналист

Мушоҳада

«МЕҲМОНЖОНЛАРДАН АЙЛАНАЙ»



Сайёҳлик фирмасида ишлайдиган бир та-нишим кўйидаги воқеани айтиб берганди: «Бир сафар Зоминга франциялик эр-хотинни олиб бордим. Улар уй-меҳмонхонасига жойлашгач, тушилка чиқдик. Дастлаб дастурхонга мевалар билан бирга тандир гўшти тортилди. Бунни кўрган чет элликлар гўшт емасликларини билдиришди. Гапнинг маъносини таржимон орқали билиб олган хонадон соҳиби, ёши 70 дан ошган отахон суҳбатимизга аралашди: «Сўра-чи, гўшт емаса, нима ер экан?».

Французлар кўпроқ ўсимликлардан олинадиган маҳсулотларни истеъмол қилишларини айтишгач, қария деди: «Сен буларга айт, улар хуш кўрадиган ўтми, мана шу сўйилган қўй ҳам роса еган, шунинг учун кўрқмай олаверишин». Самимий бу сўзлардан ҳаммамиз мириқиб қулдик. Лекин, барибир, меҳмонлар гўшtdан тотинишмади. Сайёҳлик тизимида ишлаш давомида шунча амин бўлдимки, европаликлар соғлиқларига ҳаддан зиёд қайғуришади. Хусусан, семириб кетишдан кўрқишади, кечкурун кам овқат ёйишади, ширинлик истеъмол қилишмайди, табиий маҳсулотларни ёқтиришади, дам олишга келган бўлсалар-да, жисмоний ҳаракат учун вақт ажратадилар. Бизда эса тескариси...».

ЎЛДИРСА ҲАМ, ОВҚАТ ЎЛДИРСИН...

Афсуски, суҳбатдошимнинг гаплари айни ҳақиқат. Организмни ўзйиқтиришимиз ҳеч кимга сир эмас. Аза кўни ҳам элга таом тортамыз. Укхаш олдидан тўйиб олишимизни гапирмаса ҳам бўлади.

Охирги пайтларда гаров ўйнаб ёки мукофот эвазига меъёрдан ортиқ овқат ёйиш урфга айланипти. Жиззахдаги емакхоналардан бирида 2 килолик сомани 10 дақиқада ёйиш «мусобақа»си ташкил қилинаётгани сўзимнинг исботидир. Шошиб-пишиб, чайнамасдан истеъмол қилинган таомнинг турган-битгани зарар эканлигини баҳс қатнашчилари билишармикан ёки «ўлдирса ҳам, ош ўлдирсин», деб ораверишармикан?

Ижтимоий тармоқларда кенг тарқалётган ўша видеотасвирларга кўзингиз тушган бўлса, хизматчи ўйин шартлари ҳамда соманинг таркибига тўхталар экан, иштирокчининг соғлиғига муаммо пайдо бўлса, емакхона жавобгар бўлмаслиги тўғрисида огоҳлантиради. Англаганингиздек, улар қилишлари оқибатини яхши билишади, лекин фойда илинжида ҳеч нарсадан тап тортишмайди.

Яқинда ўзим ҳам ана шунақа «беллашув»лар билан танилган емакхоналардан бирида бўлдим. Очиги, маҳсулотлар сифати ҳаминқадар, таомлар тотли эмас. Қайта келмаслик қарори билан ташқарига чиққанимда, қатор турган автомашиналар рақамлари диққатимни тортди. Ҳаммаси бошқа вилоятларга тегишли эди, демак, улар ижтимоий тармоқдаги рекламага алданишган. Яқин атрофдагилар ҳолатни яхши билишгани учун бу ерга қадам босишмайди.

Шу пайт овқатланиш шоҳобчасидан бир неча киши билан бирга пойтахтлик санъаткор чиқиб келди. У емакхона қаршисида туриб, таомларни оғзидан бол томиб мактади. Ҳаммаси 3 та телефонда тасвирга олинди. Санъаткорга овқат маъқул келмаган бўлса-да, «Эшагини суғориб, пулни ол» мақоллига амал қилганига ишончим қомил эди. Тарғибот авжида, демак, емак бахси давом этади.

– Биласизми, қўпчилик ётиш олдидан

тўйиб овқатланади, – дейди Республика саломатлик ва стратегик ривожланиш институтининг Шароф Рашидов тумани бўлими шифокори Насиба Эгамқулова. – Оқибатда инсон организмни туни билан дам олиш ўрнига ана шу таомни ҳазм қилиш билан «шуғулланади». Пировардида тонгда чарчоқ билан ўйғонамиз. Шунингдек, оғир таомдан сўнг мева ва полиз маҳсулотларини ёйишга ҳам одатланганмиз. Аксинча, аввал мева ёйиш керак. Бундай тартиб организмга фойдали инстингларни сингитишга хизмат қилиб, ортиқча таом ёйилишининг олдини олади. Аслида, кун давомида 4-5 марта, кам-камдан таомланиш зарур. Рациондан янги мевалар, полиз ҳамда майдаланмаган дуккакли маҳсулотлар, қўкатлар, ёгсиз гўшт, балик, тухум, ёнғоқ, ўсимлик ёғи ва бошқа тез ҳазм бўлувчи емаклар жой олиши даркор. Кун давомида етарли миқдорда сув ичинг, уйқудан 3-4 соат олдин ҳеч нарса еманг. Тузли ва шакарли маҳсулотлар, ширин ичимликлар, фаст-фудлардан воз кечинг. Қовурилган эмас, қайнатилган, димланган маҳсулотларни кўпроқ истеъмол қилинг. Овқатни майда чайнаб, ошмасдан ёйиш зарур. Ошқозоннинг очлиги ва тўйишга доир ишораларини эътиборсиз қолдирмаслик керак.

Мутахассислар фикрича, семизлик ва нотўғри овқатланиш диабет, гипертония, инфаркт, инсульт, атеросклероз, астма, жигар, буйрак, ўт, тери, репродуктив аъзолар хасталиклари ҳамда саратоннинг айрим турлари пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Ортиқча таомланиш ҳақида гап кетар экан, бир тўйда қизик воқеага гувоҳ бўлганимни айтиб ўтай. Ўтирганлардан бири дастурхонда егуликлар етарли бўлишига қарамасдан гўшт камлигидан нолиди ва қайсидир танишининг тўйида бўққунича овқатланганини сўзлай кетди. Унинг гапини қариндоши кескин бўлди: «Амаки, егани билан мактанмоқ кўзи очнинг иши».

Алижон АБДУСАТТОРОВ
«ISHONCH»

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон кенгаши жамоаси кенгаш раиси ўринбосари Муратбай Қуанишбаевич Данияровга волидан муҳтарамаси Тажикул она ЖИЕНАЛИЕВА вафот этгани муносабати билан таъзия билдиради.
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Андижон вилояти кенгаши жамоаси «Хонобод» санаторийси директори Нигора Комилжоновна Муҳитдиновга волидан муҳтарамаси Эътиборхон она МИРЗАЕВА вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик билдиради.
Хоразм вилояти кўғирчоқ театри жамоаси ҳамда ушбу муассаса касаба уюшмаси қўмитаси Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Муяссар Раззоқовга турмуш ўртоғи Арслон ЖАБОРОВ вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик билдиради.
Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Ўرғут тумани кенгаши раиси Ғайрат Жамолов акаси Усмон ЖАМОЛОВ вафот этгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Халима Носирова ва Карим Зокиров ижросида

«Отмагай ТОНГ»

қўшиғи

Отмагай тонг боғ аро азминг

хиромон бўлмаса,

Булбулш шайдоларинг

гулишанда нолон бўлмаса.

Тоҳир ва Зухра дostonдан

Эълон

2009 йил 12 ноябрда Раҳимов Анвар Умарович номита берилган 09-02/12551 рақамли хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолгани сабабли ҳақиқий эмас деб ҳисоблансин.

MUASSIS: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi ISSN 2020-5002 2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.	«Ishonch» va «Ishonch-Dopriye» gazetalarini tahrir hay'ati: Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JAL'MENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullol AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDLOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehriddin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSEN'YAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Dopriye») Bosh muharrir Husan ERMATOV «Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Muallifning fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.	Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69 Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89 Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79 Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43 Marketing va obuna – (71) 256-87-73 Hududlardagi muxbirlar: Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20 Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23 Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31 Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12 Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34 Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66 Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26 Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55 Surxondaryo viloyati – (+998-90) 379-19-70 Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44 Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24 Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01 Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93	Navbatchi muharrir: Gulomjon MIRAHMEDOV Musahhirlar: Dilorom XUDOYBERGANOVA Sahifalovchi: Hasan ABDUJALILOV Boshiga topshirish vaqti – 20:00 Topsilishi – 20:30 Bahosi kelishilgan narxda Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.	Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: ishonch1991@yandex.uz Nashr ko'rsatkichi: 133 Gazetaning poligrafik jihatdan sifati chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.	Umumiy adadi 35 382 ta Shundan: 6 788 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda; 19 415 nusxasi «Eruditi» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda; 9 179 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«B» uyda chop etildi. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma tabaddul. Buyurtma G-111 1 2 3 4 5 6
--	--	--	--	---	---